



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 33 (10.086)

2004 ЙИЛ 18 ФЕВРАЛЬ



«Таяна» хусусий фирмасида тайёрланаётган эркаклар костюм-шимлари харидор диди ва талабидан келиб чиққан ҳолда тижлаётгани билан эътиборга лойиқдир.
СУРАТДА: фирманинг моҳир тикувчилари Шоҳида Абдурахмонова ҳамда Анна Белорусцева иш устида.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

**Б.А.Матлюбовни
Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона
қўмитасининг раиси этиб
тайинлаш тўғрисида**

Баҳодир Аҳмедович Матлюбов Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 17 февраль

XXI сарфоси
Барча маънавиятдан
олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

• Кеча Олий Мажлиснинг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитасида 2004-2006 йилларда фермер ҳўжалиklarини ривожлантириш концепцияси ва ҳуқуқий асослари мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

• Қорақалпоғистон республикаси, Сурхондарё, Бухоро ва Хоразм вилоятларида 2003 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган фаоллар ййғилишлари бўлиб ўтди.

• Тошкентда Экспортчи ва сармоядорларга кўмак кўрсатиш маркази — «POYTAХT — EKSPORT» томонидан «Ташки иқтисодий фаолиятда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар роли ҳамда Ўзбекистон Республикаси божхона ва солиқ қончилигидаги ўзгаришлар» мавзусида семинар ўтказилди.

• Республика сув ҳўжалиги корхоналари ўртасида ўтказилган танлов савдоларида «Тошўқимачимаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси ғолибликни кўлга киритди.

• «Фузорпахтатозалаш» очик акциядорлик жамиятида ўтган йили қабул қилинган 19,2 минг тонна пахтанинг деярли 80 фоизи қайта ишланиб, 5,1 минг тонна экспорт бо тола ишлаб чиқарилди. Ушбу толарлар Швеция, Англия, Голландия, АКШ давлатларидаги истеъмолчиларга жўнатиляпти.

Жаҳонда

• Кипринг Греция томони Президентни Тассос Пападопулос ва Туркия томони етакчиси Рауф Денкташлар иккига бўлинган орол мамлакатини бирлаштириш бўйича БМТ Бош котиби Кофи Аннан ташаббуси ва режаси асосидаги музокараларни эртага Никосияда давом эттирилди.

• 14 йил давом этган фуқаролар урушидан сўнг Либерияни қайта тиклаш ишига донор мамлакатлар БМТ ташаббуси билан кейинги икки йилда 520 миллион долларлик маблағ ажратишни зиммаларига олдилар.

• Охирги маълумотларга кўра, Москва шаҳри атрофида жойлашган киши «Трансвасаль-парк» сув комплексининг томи босиб қолиши натижасида 28 киши ҳаётдан кўз юмган ва 113 киши тан жароҳатлари олган.

• АКШ ҳуқумати томонидан ташкил этилган «Ал-Хурра» телевидениеси иш бошлади. У Яқин Шарқда қатор давлатларга араб тилида мунтазам телекўрсатувлар бериб боради.

• Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти охирги тадқиқотларга асосланган ҳолда кенг тарқалиб бораётган парранда гриппи кишилардан бир-бирига юқмаслигини тасдиқлади.

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА сатрларда

• **БУГУН** Тошкент Давлат шарқшунослик институтида «Илм, фан ва ёшлар» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

• **БУГУН** ишбилармонлар ва тadbиркорлар ўртасида ташкил этилган «Ташаббус-2004» кўрик-танловининг Юнусобод туман босқичи Марказий офицерлар саройида бўлиб ўтди.

• **БУГУН** «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, «Фридендорф Интернейшнл» халқаро ташкилоти, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорлик шартномасига мувофиқ пойтахтлик 3 нафар беюмор болалар Германияга даволаш мақсадида юборилди.

• **КЕЧА** шаҳримиздаги «Боулинг» клубида 22-меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари Меҳр ва мурувват йили муносабати билан Боулинг буйича ўтказилган мусобақада ишти-

рок этишди.

• **БУГУН** «Бунёдкор» ёшлар телеклубида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан пойтахтимиз тарихи, маданияти ва санъатига оид «Маънавият гулшани» мавзусида тadbир ташкил этилди.

• **ШАХРИМИЗДА** иқтисодчилар, тadbиркорлар, халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида ташкил этилган семинар ташки иқтисодий фаолиятда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг роли, жорий йилда божхона ва солиқ қончилигида юз берган ўзгаришлар мавзуларига бағишланди.

• **МУКИМИЙ** номидаги мусиқий драма театрида адабиётшунослар, шоирлар, адиблар иштирокида уюштирилган тadbир «Ғазалхон ёшлигим» деб номланди.

• **ЗАМОНАВИЙ** санъат марказида Меҳр ва мурувват йили муносабати билан фоторассомлар асарларининг кўргазмаси намойиш этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

МАЪНАВИЯТ ТАЯНЧИ

Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида Республика «Маънавият ва маърифат» маркази билан ҳамкорликда меҳр ва мурувват - маънавият таянчи мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

Бугунги кунда миллий кадрларимизни асраб-авайлашга, уларни улғайиб келаётган авлод шуурига сингдиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, келажак эгаларини баркамол этиб тарбиялашда умрбоқий

анъаналаримизнинг ўрни бекиёс. Ёшлар қалбида меҳр-мурувват, саховат, инсонпарварлик туйғусини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ота-оналар, жамоатчилик, устоз ва мураббийлар зиммаси-

МУКОФОТ СОҲИБАЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда талабалар, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари иштирок этди.

Тadbирни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова бошқарди.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиши, ёш авлод тарбияси билан шуғулланиши учун кенг имкон яратиб берилган. Иқтидорли қизларни қўллаб-қувватлашга, улар истеъдодини камол топтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилгани ҳам бунинг ёрқин далилидир.

Юртбошимизнинг Фармониغا мувофиқ ҳар йили ушбу мукофотга аъло ҳуқуқи, ўқишдаги ютуқлари, ижтимоий фаоллиги билан назарга тушган, истиқлол гоёларини амалга оширишга астойдил интилаётган 25 ёшгача бўлган қизлар сазовор бўлаётир. Нуфузли мукофот уларнинг адабиёт, санъат, фан ва маданият соҳасидаги ижодий фаолиятини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу йил ҳам мазкур мукофотга барча вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган иқтидорли қизларнинг номзоди кўрсатилган.

га катта масъулият юклайди.

— Бизнинг институтида бу борада ўн беш йўналишда раҳбар педагогларнинг малакасини ошириш йўлга қуйилган, дейди мазкур муассаса бўлим бошлиғи Ш.Шомансуров ўЗА мухбирига. - Ҳар йили тўрт минг нафардан кўпроқ ходим кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ўз касб маҳоратини оширмоқда.

ўЗА

Иқтисодий

РАҚОБАТБАР-
ДОШ
МАҲСУЛОТЛАР

«OFS» кичик корхонасида тикилаётган аёллар ва эркеклар устки кийим-кечаклари кўриниши ва сифати билан хорижийдан асло қолишмайди. Аммо унинг афзаллиги кўп.

Корхонанинг иш бошлаганига эндигина бир йилдан ошди. Лекин бозор талаблари асосида ишни ташкил этиш, замонавий тикув дастгоҳларидан унумли фойдаланиш, чеварлар малакасини тинмай ошириш натижасида «OFS» ёрлик эркеклар костюм-юбкалари ва бошқа маҳсулотлар харидорларга алақачон маъқул бўлган.

— Ҳозирда асосий маҳсулотларимизни Туркия ва Бирлашган Араб Амирликларидан келтирилаётган матолардан фойдаланган ҳолда тайёрлаймиз, — дейди корхона бош менежери Комил Фозилов. — Жамоада меҳнат қилаётган малакали бичувчи ва тикувчиларимиз Германия, Япония ҳамда Туркия давлатларидан келтириб ўрнатилган дастгоҳларда маҳсулот тайёрлашмоқда. Албатта, келгусида маҳаллий хом ашёдан ҳам кийим-кечаклар тайёрлашни йўлга қўямиз. Бунинг учун юртимиздаги қўшма корхоналар билан ҳамкорликни мустақамлаш ниятида-миз. 2004 йилдан бошлаб ҳар ойда 1000 дона маҳсулот тайёрлаб, ўз фирма дўконимиз ҳамда пойтахтимиздаги йирик савдо марказлари, супермаркетларда сотишни йўлга қўйдик. Йил охиригача эса энг катта ниятимиз мамлакатимизнинг барча вилоятларида корхонанинг фирма дўконларини ташкил этишдир. Маҳсулотлар турларини эса бозорни ўрганиш асосида ҳар ойда янгилаб борамиз. Ана шундагина уларнинг рақобатбардош хиллари яратилиб, ўз харидорини топади.

Шарофат
БАХРОМОВА

Буюк Британия давлат савдо вазири, давлат ички ишлар вазири М.О'Брайен билан учрашув чоғида Британия томони Ўзбекистоннинг минтақадаги етакчи мавқеи, сўнгги йилларда икки мамлакат ўртасида мустақамлашни бораётган сиёсий алоқалар ва иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштиришдаги мавжуд катта имкониятларни қайд этди. Британия ҳукумати аъзоси Ўзбекистоннинг терроризмга қарши курашдаги иштироки, трансакцион транспорт йўлига ва бошқа транспорт лойиҳаларини ривожлантириш бўйича ташаббуслари ҳамда ҳукумати-миз томонидан демократияни ривожлантириш ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида қўйилаётган қадамларга ижобий баҳо берди.

Буюк Британия халқаро тараққиёт вазири Х.Бенн билан мулоқотда Ўзбекистон томонидан Европа тикланиш ва тараққиёт банки тавсияларини бажариш бўйича қўлга киритилган натижалар Буюк Британия учун мамлакатимиз билан барча соҳаларда чуқур ҳамкорлик қилиш имкониятларини яратганлиги таъкидлаб ўтилди. Мамлакатимизнинг Марказий Осиёда интеграция жараёнларини ривожлантиришдаги ўрнини қайд этар экан, Х.Бенн Ўзбекистон ҳукумати томонидан контрабандага қарши кураш ва мамлакатга олиб кираётган маҳсулотларга нисбатан декларация қилиш ва сертификатлашнинг халқаро қоидалари жорий қилинганлигини олқишлади.

Сафар дастури доирасида Лондонда Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон-Британия кенгашининг ўн биринчи мажлиси

бўлиб ўтди. Унда Буюк Британия ҳукумати вакиллари, етакчи маҳаллий ва халқаро фирмалар, компаниялар, банкларнинг раҳбарлари иштирок этганлиги Ўзбекистон билан ҳамкорликка бўлган катта қизиқишдан далолат беради.

Мажлис давомида Британия бизнес-

тания компаниялари вакиллари 2004 йилда Ўзбекистон иқтисодийнинг тоғкон, нефтга ва тўқимачилик тармоқларига 100 миллион АҚШ долларидан кўп миқдорда сармоя киритиш истагини билдирдилар.

Буюк Британия бизнесменларининг Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга интилишлари кенгашининг мувофиқлаштирув гуруҳини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинишида ҳам намоён бўлди. Ушбу гуруҳ йил давомида кенгаш мажлислари оралигида унинг қарорлари ижросини мувофиқлаштириш бўйича тезкор фаолият олиб боради.

Мажлисида Лондонда ва Буюк Британиянинг бошқа йирик шаҳарларида «Ўзбекистонда бизнес қилиш» мавзусидаги конференцияларни мунтазам равишда ўтказишни тиклаш ва Ўзбекистон-Британия савдо-саноат палатасини ташкил этиш масаласини ўрганиб чиқиш тақдир этилди.

Ташриф давомида «Ўзбекгилсаноат» давлат акционерлик компанияси ва Буюк Британиянинг «Глобал Инфрастракчэ Холдинг Лтд» компаниясининг ўртасида пахта толасини чуқур қайта ишлаш бўйича қўшма корхона тузиш ҳақида хоҳиш протоколи имзоланди. Ўзбекистон ҳайъати аъзолари, шунингдек, Буюк Британиянинг бир неча йирик компания ва молиявий ташкилотлари раҳбарлари билан учрашувлар ўтказди.

Аваз ҲОЖИМЕТОВ,
«Жаҳон» АА,
Лондон

Ўзбекистон-Буюк Британия:
Ҳамкорлик кўлами
кенгаймоқда

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Ғаниев бошчилигидаги ҳайъат Буюк Британияда бўлди.

менлари ўзларининг Ўзбекистондаги муваффақиятли фаолияти тақдирот маросимини ўтказди. Масалан, «Оксус голд» вакили мазкур компания томонидан мамлакатимизда дастлабки 36 килограмм олтин қазиб олинганлигини хабар қилди. Ўзбекистондаги натижалар компания акциялари қадрини ошириб, Лондон фонд биржасида котировкаларнинг ўсиши бўйича иккинчи ўринни таъминлаб берди.

Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон-Британия кенгашининг ҳамраиси Х.Бут Буюк Британия Ўзбекистон билан иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканлигини алоҳида таъкидлади. Сўнгги йилларда Британия томонидан кенгашининг домий аъзолари сонининг ўн баробарга, яъни 20 тадан 200 кишига ўсиши бундан далолатдир. Бри-

ЯНГИ ТЕХНИКАЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини қудратли техникалар билан таъминлашда «Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссдорлик жамияти мутахассисларининг ҳиссаси катта. 1970 йилда корхонанинг бош йиғиш конвейеридан пахтачиликка мослашган биринчи трактор тайёрлаиб, бу ҳозирги кундаги замонавий техникалар яратилишига асосий замин бўлди.

Айни пайтда заводда қуйиш, пайвандлаш ва қолиплаш, механик-йиғув, тиркама ва асбоб ускуналар ишлаб чиқариш каби 15 га яқин цехларда ишчи-ҳодимлар меҳнат қилишиб, майда деталлардан тортиб бир нечта от кучига эга бўлган қудратли техникаларни ишлаб чиқармоқдалар. Ҳозирда заводнинг цех ва участкаларида тайёрланаётган агрегат турлари ўнтага етай деб қолди. Ҳозирда корхонанинг моддий-техник негизини янада мустақамлаш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Бу ўринда эса заводда янги турдош корхоналар очишга эришилганини таъкидлаш ўринли.

Саъй-ҳаракатлар асосида заводда «ТТЗ-Даст» деб номланган мустақил корхона юзага келди. Ушбу корхонанинг механик цехларида тракторлар учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Худди шу йўналишда «ТТЗ-Асбоб» корхонаси ҳам ташкил топди. Ўз номи билан мазкур корхона ҳодимлари асбоб-ускуналар тайёрлаш билан шуғулланишди.

Маълумки, техника ўз-ўзидан иш бажармайди, балки уни юқори малакага эга бўлган механикаторлар бошқаришади. Ҳозирда республикамизда қишлоқ хўжалиги механика-

торлари тайёрлашга ихтисослашган коллежлар сонини кўпчиликини ташкил қилади. Бундай ўқув юртиларида эса машғулот ва амалиётлар асосан замонавий технологиялар орқали амалга оширилиши лозим. Завод ҳодимлари ўтган йили ушбу ўқув юртилари учун 70 та минн-тракторлар тайёрлашиб, амалиёт ўташ жойларига жўнатдилар.

— Айни кунларда республи-

касида «Ўзбекистон-Россия» Исроил қўшма корхонаси ҳамда Фарғона нефтни қайта ишлаш завождари ҳамкор корхоналаримиздан ҳисобланади.

Айни пайтда заводда пахтачиликка мослашган уч филдиракли ТТЗ 60.11, ТТЗ 80. 10, қишлоқ хўжалиги учун ТТЗ ВУ. 304-2 экскаватор тракторларидан ташқари шовқинсиз кабинали трактор ишлаб чиқарилмоқда. Бу техниканинг асосий афзаллиги шундаки, кабинада шовқин кучи кам, ишлаш жараёни бошқа техникаларга нисбатан унумлидир. Янги моделлар устида изланиш олиб бораётган завод ҳодимлари ТТЗ 82.12 моделдаги янги тракторни синаб кўришмоқда. Бу тракторнинг олд ва орқа филдираклари бир хил куч ва тезликда айланиш қувватига эга бўлиб, ёқилги ҳажми бир неча баробарга тежаллади.

Заводда тайёрланаётган техникадан бутунги кунда нафақат мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ҳодимлари фойдаланмоқда, шунингдек, улар Россия, Тожикистон, Туркия, Қозғистон, Қирғизистон каби давлатларга ҳам экспорт қилинапти.

Орзуғул РУСТАМОВА.
СУРАТДА: 6-даражали
чилангар-йиғувчи Хушмурод
Умарқулов иш устида.

Ҳакимжон Солиқов
олган сурат.

МАҚСАД - ИНСОН
ҲУҚУҚЛАРИНИ
ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Пойтахтдаги «Dedeman Silk Road» меҳмонхонасида «Ўзбекистон Республикасида жазони ижро этиш тизимини эркинлаштириш» мавзусидаги туркум ҳудудий семинарлар тақдиротида бағишланган анжуман бўлиб ўтди. У Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти, Конрад Аденауэр жамғармаси томонидан мамлакатимиз ҳуқуқ-тартибот органлари билан биргаликда ташкил этилди.

— Асосий устуворликлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг IX ва XI сессияларидаги нутқларида белгилаб берилган. Бугунги кунда асосий вазифа жамият ҳаётининг барча жаҳаларини эркинлаштириш, суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотини мантиқий якунига етказишдир, — деб таъкидлади ўз сўзида Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори А.Саидов.

Мазкур туркум семинарлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган жазони ижро этиш тизимини ислоҳ қилиш жараёнини таҳлил қилишга, бу жараёнларда хориждаги пенитенциар фаолият тажрибасидан фойдаланиш имкониятларини кўриб чиқишга қаратилган.

Маълум

«БУЮК ИПАК
ЙЎЛИ»

СТИПЕНДИЯСИ

Бугунги кунда Ўзбекистон Миллий университетида таълим олаётган иқтисодли талабалардан бир неча нафари номдор стипендия соҳиблари ҳисобланади. Олий ўқув юртининг хорижий филология факультетида эса «Буюк Ипак йўли» стипендияси таъсис этилган.

Факультетнинг корей тили маркази сай-ҳаракати билан амалга оширилган бундай хайрли иш кўпчилик изланувчан толиби илмларни беҳад мамнун этди. Ушбу номдор стипендиянинг дастлабки совриндорлари ўнга яқин аялочи талабани ташкил этди.

Бу голиб билимдон ёшлар корей тилини мукамал эгаллаб, шу йўналишда ўз иқтидорларини намойён этишди. Шуниси диққатга сазоворки «Буюк Ипак йўли» стипендиатлари келгусида Жанубий Кореяда малака ошириш ҳуқуқини ҳам қўлга киритдилар.

ДАСТУР ЮКОРИ
БАҲОЛАНДИ

Бу санъат мактаби республикамиздаги намунали маърифий марказлардан бирига айланган.

Ҳамза туманида жойлашган мазкур билим ва маҳорат даргоҳи ҳозир 400 дан ортиқ ўғил-қизни ўз бағрига олган. Бу умидли ёшлар билан расм чизиш, тасвирий санъат йўналишида ижодий камолотга йўллаш жараёнлари амалга оширилмоқда.

Рассомчилик санъатига меҳр кўйган иқтидорли ёшлар ижод намуналари асосида ташкил этилаётган кўргазмалар ҳам кўпчилик эътиборини ўзига тортмоқда.

Тошкент шаҳри бўйича ўтказилган «Санъат гўнчалари» кўрик-танлови ҳам бўлажак рассомларга омад кулиб боқди. Мактабнинг ёш созандалари тайёрлаган концерт дастури юқори баҳоланди.

НУФУЗЛИ ЛОЙИҲА
ДОИРАСИДА

«Касб-ҳунар коллежларида ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш йўлида қатор ушбу кўрик-танловлар қўлга киритилмоқда.

Ўзбекистондаги Британия Кенгаши ҳомийлигида тайёрланган ушбу лойиҳа доирасида меҳнат бозори шароитига мослашувчи ўқув дастурларига ҳам амал қилинмоқда.

Тошкент шаҳридаги бешта таълим муассасаси мазкур йўналишда иш олиб бормоқда. Тошкент авиасозлик, Миробод ва Мирзо Улуғбек sanoat, Тошкент ахборот технологиялари каби касб-ҳунар коллежларининг бу борарадаги фаолияти айнқисса самарали бўлаётди.

Ақбар АЛИЕВ

БОШ ПРОКУРАТУРАДА

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида прокуратура органларининг 2003 йилги фаолияти якунлари ва галдаги вазифаларига бағишланган кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни маълакатимиз Бош прокурори Р.Қодиров бошқарди.

Мажлисида прокуратура органлари ўзларига юклатилган назорат фаолиятини амалга оширишда барча соҳаларда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда қонунбузарликларнинг олдини олишга қаратаётгани таъкидланди.

Иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларда қонун устуворлигини таъминлашга доимий эътибор бериб келинмоқда. Бунда шартнома интизомини мустаҳкамлаш, ҳусуийлаштириш, биржалар фаолияти ва

капитал қурилиш соҳаларида, паст рентабелли ширкатларни фермер ҳўжаликларига айлантиришда қонунийликни таъминлашга қаратилган тадбирлар изчиллик билан олиб берилмоқда.

Прокурор назоратининг муҳим йўналишларидан ҳисобланган вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасидаги ишлар кучайтирилди.

Қўлланилган 18 мингдан зиёд прокурор назорати ҳужжатлари асосида аниқланган қонунбузилишлар бартараф этилди.

Прокуратура органларида фуқароларни қабул қилишга, ариза ва шикоятларни

қонуний ҳал этишга катта эътибор берилмоқда.

Мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисида Президентимиз Ислам Каримовнинг маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларни прокуратура органлари томонидан изчиллик билан амалга ошириш бўйича талаблар қўйилди.

Ҳайъат мажлисида прокуратура органлари фаолиятида йўл қўйилган камчиликлар танқид қилинди, уларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Б.НОРБОЕВ,
ЎЗА мухбири

Ташаббус—2004

ҲАМ СОНИ,
ҲАМ СИФАТИ
ОРТДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисида Президентимиз Ислам Каримов юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини ва уларга яратилаётган шарт-шароитлар хусусида алоҳида тўхталиб, бугунги кунда бундай корхоналарда ишлаётганлар иқтисодиётда банд бўлганларнинг 57 фоиздан кўпрогини ташкил қилаётганини, кичик бизнеснинг мамлакат яқини ички маҳсулотларидаги улуши 35 фоиздан ошганини айтиб ўтди.

«Биз учун устувор бўлиб қолаётган энг муҳим вазифалардан яна бири, — деди жумладан Президентимиз, — бу кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш масаласидир». Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш учун рағбатлантирувчи омилар яратиш лозимлиги таъкидланди.

Мамлакатимизда анъанавий тарзда ўтказилаётган «Ташаббус» кўрик-танлови ҳам мана шундай тадбиркор ва ҳунармандларни рағбатлантиришда, уларни янада самарали меҳнат қилишларига шарт-шароитлар яратишда муҳим омил десак, муболага бўлмайдди. Пойтахтимизда айна кунларда бўлиб ўтаётган «Ташаббус—2004» кўрик-танловининг туман босқичлари ҳам бунга ёрқин мисолдир.

Жумладан, Собир Раҳимов туманидаги кўрик-танлов иштирокчилари «Регистон» гузарига беллашувга йиғилди. Бу ерда уларнинг танлов шартларини бажаришлари, маҳсулотлари намойишини кўнгилдагидек, ўтказишлари учун барча шарт-шароитлар яратилди. Туман ҳокими Аҳкам Миржалилов тадбирни очар экан, туман иқтисодиёти ривожига ҳисса қўшаётган иштирокчиларга омад тилади.

Бу йилги кўрик-танловнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, қатнашчилар сафи икки баробарга ортиши билан бирга, уларнинг ҳар бири 2003 йилда эришган

муваффақиятларини, янги маҳсулот турларини намойиш этаётганидир. Демак тадбиркор ва ҳунармандлар танловга янгилик ва ҳақиқий ташаббус билан қатнашишга бел боғлашган. 10 нафар тадбиркор ва 11 нафар ҳунарманд иштирок этган тадбир экспозициялар намойишига туманда фаолият кўрсатаётган яна 4 та қўшма корхона

кўтмоқда, имкониятлардан фойдаланишда қандай ёрдам беришимиз зарурлигини ҳам белгилаб оламиз. Негаки уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ишончини қозониш, туман иқтисодиёти ривожидagi улуши самарадорлигини оширишга муваффақ бўлиш асосий вазифаларимиз сирасига киряди. Ўтган йил давомида тад-

ривожини боис ҳам танловда уларнинг энг саралари қатнашди. Ҳақамлар ҳайъати ҳулосасига кўра баллар ҳисоблаб чиқилиб, миниатюррачи рассом Қудрат Исроилов «Энг яхши ҳунарманд» деб эълон қилинди. Шуниси қувонарлики, нафақат голиблар, балки, барча иштирокчилар туман ҳокимлиги ва ҳомий ташкилотлар томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди. Шу билан бирга тадбир якунида келгуси йилда даврани янада кенгайтириш, рағбатни бундан-да кучайтириш, янги номларни кашф этиш истаги билдирилди.

ИЛҲОМ БАҲШ
ЭТАДИ

Ҳамза туманида бўлиб ўтган танлов иштирокчиларининг ҳам, ташкилотчиларининг ҳам фаолликларини намойён этди.

Танлов 2 тур — 5 босқичда ўтказилди. Тадбиркор ва ҳунармандларнинг ҳар бир шарт бўйича бажарган ишлари, саволларга жавоблари ҳақамлар ҳайъати эътиборида бўлди. Бу, албатта, уларга ҳолис баҳо беришда муҳим аҳамият касб этди. Туман босқичида «Энг яхши тадбиркор» ва «Энг яхши ҳунарманд» номини олиш учун 4 нафар тадбиркор ҳамда 3 нафар ҳунарманд иштирок этди. Биринчи ўрин тадбиркорлар орасида «Муҳандис-сервис» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Борис Тянка, ҳунармандлар ичидa эса ёғоч ўймаkori Анвар Алимбоевга насиб этди. Голиблар эндиликда танловнинг шаҳар босқичида ўз туманлари шарафини ҳимоя қилишади.

— Ҳунармандчилик билан болалигимдан шугулланман, — дейди туманнинг «Энг яхши ҳунарманди» Анвар Алимбоев. — Қўллаб кўргазмаларда, «Қўли гул уста» танловларида иштирок этганман. «Ташаббус» эса ўзига ҳослиги билан менга ёқди. Эътибор ва рағбатлантириш менга янада илҳом бахш этди.

Барча голиб ва иштирокчиларга дипломлар ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Шарифа ИЛЁСОВА.
СУРАТЛАРДА: туманлардаги танловлардан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.



маҳсулотлари ҳам қўйилди.

«Эътиқод», «Ижод-ижод», «Еш футболчи», «Маъби чинни» хусусий фирмалари «GRAS», «Орзу-ош тузи» «Чуқурсой-паста» шўъба корхоналари, Қудрат Исроилов, Муқаддам Қаюмова, Ботир Гулмирзаев, Тоҳир Комилов сингари ҳунармандларнинг янги маҳсулотлари уларнинг изланишларидан далолат бериб турган бўлса, беллашув шартларини пухта бажаришлари эса иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий билимлари қай даражада эканлигидан нишондир.

— «Ташаббус» кўрик-танлови нафақат бугунги голибни аниқлайди, — дейди туман Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси Зайниддин Муҳидинов, — балки мана шу учрашув орқали биз ҳам айна кунларда уларга нима керак, қайси муаммолари ечимини

биркорларимиз сафи сон ва сифат жиҳатидан ўстанлиги бизни қувонтиради, албатта.

Танлов якуни хусусида тўхталадиган бўлсак, ҳар бир иштирокчи ўз иқтидори баҳосини олди, шартлар бўйича зукколиклари ҳам аниқланди. «Эътиқод» хусусий фирмасининг раҳбари Абдугани Қосимов «Энг яхши тадбиркор» деб эълон қилинди. Бу бежиз эмас албатта. Қисқа фаолияти давомида ушбу жамоа аҳли томонидан хорижий линиялар асосида тайёрланаётган мебель маҳсулотлари нафақат юртимизда, балки қўшни давлатларда ҳам ўз харидорини топмоқда, ўнлаб ишчи ўринлари яратилмоқда. Тадбиркорлар беллашувидa «Еш футболчи» хусусий фирмаси иккинчи, «Ижод-ижод» хусусий фирмаси эса учинчи ўринга муносиб деб топилди.

Туманда ҳунармандчилик

Халқимизнинг маънавий-маърифий онгининг ошишида нашриётлар ва уларда чоп этилаётган ранг-баранг мавзудаги китобларнинг роли каттадир. Бугунги кунда ноширлик ва матбаачиликнинг янги қирраларини очиш, уларни замон талаблари даражасига кўтаришга эришилмоқда.

Матбаа

ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИДА

Дарҳақиқат, китоб—инсоннинг маънавий дунёсини бойиштиришда, жамият ҳаёти билан таништиришда. Шу билан бирга ҳар бир мамлакатнинг миллий ва умуминсоний қиёфасини ҳаққоний, бадиий жиҳатдан мукаммал, юксак даражада кўрсатиб беради. Республикада фаолият юритаётган бадиий асарлар ва ўқув дарсликларини нашр этишга ихтисослашган Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида айни кунларда амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир.

Демик шоир Фафур Фулом таваллуд муносабати билан шоирнинг «Танланган асарлари», жамоатчилик асосида ёзилган «Фафур Фулом замонашлари хотини» қиёфасини ҳаққоний, бадиий жиҳатдан мукаммал, юксак даражада кўрсатиб беради. Республикада фаолият юритаётган бадиий асарлар ва ўқув дарсликларини нашр этишга ихтисослашган Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида айни кунларда амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, «Обод маҳалла йили» дастурига мувофиқ матбаа ижодий уйи томонидан Акмал Икромов туманидаги Сайдулла Хужаев номидаги маҳалла кутубхона-наҳси ва «Сен ёлғиз эмассан» жамғармасига кўп нусхада ўқув кўланмалари ва бадиий адабиётлар ҳада этилди. Шунингдек, Юнусобод туманидаги «Шодлик» маҳалласида кутубхона очилишида таъабуб кўрсатилди.



— Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи Тошкент рангли босма фабрикаси, «Ёзувчи», Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётлари негизинда бадиий адабиётлар, дарсликлар, ихтимоий-сиёсий адабиётлар ҳамда бошқа нашр маҳсулотларини чоп этиш мудириятини қисқартириш ва уларни тайёрлаш сарф-ҳаражатларини камайтириш мақсадида ташкил қилинган,— дейди биз билан суҳбатда нашриёт-матбаа ижодий уйи директори Рихситилла Ҳақимов. — Бизнинг маҳсулотларимиз: ҳозирги замон, мумтоз ва жаҳон адабиёти намуналарини, оммабон ва санъатга оид турли китоб ва аёлбиллар, болалар адабиёти, дарсликлар, ўқув-услубий кўланмалар, журналлар, рисоалар, тақвимлар, буклетлар ва бошқа матбаа маҳсулотларидан иборат. Ишлаб чиқариш қуввати ўртача ҳажми 6 босма тобоқчага бўлган китобдан йилга 25 миллион нусха босиб чиқаришга қодир. Сир эмаски, матбаачиликда маҳсулотни босишга чад бўлган жараён муҳим аҳамият касб этади. Бизда замонавий дизайн студияси бўлиб, у матн териш, суратларни сканерлашдан тортиб то тайёр диапозитивларни чиқаришгача бўлган операцияларни баҳаради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, «Обод маҳалла йили» дастурига мувофиқ матбаа ижодий уйи томонидан Акмал Икромов туманидаги Сайдулла Хужаев номидаги маҳалла кутубхона-наҳси ва «Сен ёлғиз эмассан» жамғармасига кўп нусхада ўқув кўланмалари ва бадиий адабиётлар ҳада этилди. Шунингдек, Юнусобод туманидаги «Шодлик» маҳалласида кутубхона очилишида таъабуб кўрсатилди.

Матбаа ижодий уйи жамоатининг келгусидаги режалари ҳам бизсёр. Булар «Мумтоз ўзбек адабиёти», «Ҳозирги ўзбек адабиёти», «Ёш ижодкорлар китоблари», «Таржима адабиётлари», «Адабиётшунослик», «Санъат» ва илмий-оммабон нашрлардир. Улар янги ўзбек алифбосида чоп этилади. Режа кўра болалар адабиётига айнақса кенг ўрин берилади. — Жаҳон болалар адабиётидан рўқнда ҳам ўнга яқин китоблар лотин алифбосида чоп этиш, «Мактаб кутубхонаси» туркумида шоир ва ёзувчиларнинг болалар учун ёзган асарларини, шунингдек, академик лицей ва коллеж ўқувчилари учун 30 дан ортқ дарслик ва ўқув кўланмалар нашр этиш режалаштирилган. Айни кунларда Меҳр ва муруват йили муносабати билан Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Фулом таваллудининг 85 йиллигига бағишлаб «Бинафшани соғиндим, сен-чи?» воқеий қисса, ҳикоялар, шеърлар, ёзишмалар, олий ўқув юрлари ва ўрта умумтаълим мактаблари учун 27 номда дарсликлар чоп этиш устида кизгин иш олиб борилмоқда. Шу билан бирга 2, 3, 4, 5, 6-синфлар учун «Муслика» ва «Тасвирий санъат» дарсликлари ва бошқа шу каби дарсликлар чоп этилиб яқин кунларда сотува чиқарилиш арафасида.

Хулоса қилиб айтганда, Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи олдидки асосий вазифа ёш авлоднинг маънавий-маърифий руҳда тарбияловчи, шунингдек ёшларнинг коммунал инсон сифатида шаклланишига ёрдам берувчи қўллаб сифатли, ўқимишли китобларни нашр этишдан иборат.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: (юқоридан) Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи директори Рихситилла Ҳақимов (ўртада) худимлар билан бирга янги нашрдан чиққан китобларни муҳокама қилишмоқда; босмаҳа китоб чоп этилуши Еқубжон Мухамедов ўз шоғирлари билан иш устида. Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

Муштарий мактуб йқмади

ИЗЗА БЎЛДИК...

Нима бўлди-ю маслақдошлар орасида отахон ёзувчимиз Ойбек таваллудининг 100 йиллиги борасида сўз кетди. Мен асли Шарқий Туркистондан бўлган йирик олимга Ойбекнинг оламшумул романи хитой тилида хорижда чоп этилгани ва уни ёзувчининг хотира кўнида уй-музей соҳибаси неварасига топширилганини таъкидлаб ўтдим.

Ёзувчимизнинг муҳлиси сергақланди, хитой тилини билганлиги учун кизикиб Ойбекнинг уй-музейи қаерда эканлигини суриштириб, сўради. Ойбек менгунг ён кўшним бўлганлиги учун у шахсга толишинг жўн йилини кўрсатиб бердим. Ишчилар шаҳарчасидаги Уста Ширин шоҳқўчасига ўйша Таъетдинов кўча мулолишида шундоққина бекатга яқин қиррадор кунгўра иншоот борлиги, бу иншоотнинг икки тарафида ёзувчининг зарбли қиёфаси, китоб-қалам туси туширилган хошияли қўйма борлигини айтдим.

Кур рамз Ойбек — музейининг, авжудлигидан далолат бериб туради. Минг афсуски, Ойбекнинг ихлосманди мен айтган жойни қидириб топа олмабди. Хайрон бўлиб мўлжал берган жойга разм солсам, биз учун фахрли бўлган Ойбекнинг уй-музейини кўрсатиб турувчи белги-қўймадан нишон ҳам қолмабди. Қандайдир виждонсиз шахслар томонидан чўқморми-мисранг билан бузилиб, рамз-сиймолар кўчириб кетилибди. Бунинг боиси маълум, ҳозирда рангли

Маннон НАБИЕВ



Муҳожаза

ИБРАТЛИ ҚАЙНОНА - КЕЛИН

Ҳар бир ота-она ўғил-қизлари воёга етиши билан уларни тезроқ уйли-жойли қилишга шошилади. Бунинг учун эса аввало она қайнона бўлиш сирларини, шунингдек қайнонанинг фарзандлари қаторида келинга тарбия бериш мажбуриятларини ўрганмоғи лозим.

Мен бир оилани жуда яхши билардим. Оилада икки қиз, бир ўғил тарбия топган эди. Она ўз қизларига яхши, ибратли тарбия беролмаган, келинига эса, шу хонадон аъзоларига меҳр уйғота олмаганлиги натижасида, ўғил оиладаги келин ва сингиллари ўртасида адолатсизликни, кундалик можароларни кўриб ичкиликка берилиб кетди.

Келин тушиши билан қайнона қизларини барча уй юмушларидан озод қилиди ва эрта тонгдан нима ишлар қилиши ҳақидаги рўйхатни келинига беради. У хали топшириқни баҳариб бўлмасдан кейинги юмушларнинг рўйхати тайёр турар эди. Қизлар ҳам «Уй-юмушларини қилиб улгурмасангиз, ўқишга бормасиз», деб таъна қилишарди. Келин кундан-кунга озиб, еб-ичишда, юришида ҳаловат қолмади. Қайнона қизлари билан келин бечоранинг қилган ишларидан айб топишга ҳаракат қилишар, унинг асабига тегишдан чарчамас эдилар. Келин университетнинг II курс талабаси бўлиб, оиласининг тинчлигини кўзлаб, эрига садоқати туфайли ўқиш-

ни ташлашга мажбур бўлди. Ота-онаси ҳам бунга қаршилик қилишга олмади. Ҳўш, келин тўғри йўл тутдим?... Аввало қайнона келинга ўз кизидек қарамас экан, бу хонадонда бир-бирларига бўлган меҳр-оқибат йўқолиб бораведарди.

Бу меҳр-муҳаббатни қайнонага бериши мумкин. Қайнона келинининг ўқишига ёрдам бериб, кизидек кўрганга эди, йигитнинг ҳам оилада сингилларига, онасига бўлган меҳри сўнмас эди. Оилада аввало қайнона-келинининг ҳамжиҳатлиги, меҳр-оқибатлиги—бу оиланинг қувончидир.

Собир Раҳимов туманидаги Беруний маҳалласида ҳаммага ибратли бир оилани яхши биламан. Бу Солиҳ ака ва Азизахон ая Султоновлар оиласидир. Бу оила ҳуқуқшунослар оиласи эди. Улар оилада икки ўғил, икки қизга тарбия бериб ўқитишди ва фан номзоди, фан доктори даражасига етказишди. Азизахон ая ўғли Тоҳиржонга ўзларига муносиб оиладан Шаҳноза исмли келин олди. Ая Шаҳнозахоннинг ўқиши оғирлигини ҳисобга олиб,

металларнинг баҳоси осмону фалақда. Ахир буюк ижодкорга бўлган ҳурмат-эҳтиром шуми? Урни келганда шунга айтиб ўтиш керакки, кейинги вақтларда қаерда қаровсиз ҳолда металл буюмлар мавжуд бўлса, ҳатто биз учун табаррук ҳисобланувчи қабристонлардаги хилхоналарни кўрсатувчи металл буюмлар ҳам баъзи кимсалар томонидан бузиб, олиб кетилмоқда. Шу боисдан ҳам металл-парчаларини қабул қилувчилар металлларни сотиб олиш вақтида таҳлилий назар билан ёндошишлари зарур деган фикрдамиз. Мабоодо бирон шубҳа сезишса, назорат органларига хабар беришлари лозимдир. Ойбекнинг 100 йиллигига оз фурсат қолди, шу муносабат билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси хайъати, маҳаллий ҳокимият мутасаддиларига Ойбекнинг маъзур нишонини тиклаш, илжои бўлган тақдирда буюк ёзувчимизнинг мўътабар оёқлари теккан, яшаб ижод этган «Янги арик» маҳалласини Ойбек номи билан аталса хайрли иш бўлур эди.

Муносабат

ЯХШИ ФАЗИЛАТЛАР ИНСОН ЗИЙНАТИ

Фазилат — фарзанд кабидир. Уни авайлаб сақлаш ва янада баркамол этиш лозим. Маъносиз, пойма-пой сўзламоқдан кўра сукут сақлай билиш нодир фазилатдир.

Авалло ота-оналар фарзандларининг одобли, ахлоқли бўлиб ўсиб улғайишлари учун жавобгардирлар. Зеро, бола ота-онадан намуна олади. «Қўш уясида кўрганини қилади», деб бежиз айтишмайди доноларимиз. Фарзандларнинг илму ҳунар ўрганишлари учун имкон қадар ҳеч нарбани аямаслик лозим. Одоб, илму ҳунар ўргатиш, ота-онанинг уларга қолдирган меросидир. Уларнинг зуқко, билимли бўлиб тарбия кўришларида устозларнинг ҳам ўрни каттадир.

Ортимизнинг баркамол ёшлари билан доимо фахрланиб келганмиз. Улар тараққий топган мамлакатларнинг ёшларидан ҳеч ҳам қолишмайдилар, деб айта оламиз. Жамоат ишларида фаол, талабчан, эркин фикрли, билим олишга интилувчан, қизикувчан, янгиликларга ўч бўлган ёшларимизни кўриб ҳавас қилсанг арзийди. Бирок, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, афсуски, шундай ёшлар ҳам борки, улар кўча-кўйда, жамоат жойларида ўзларини тута билишмайди. Кези келганда, жамоат транспортда қария, ногирон ёки ёш болали аёлларга ўки бериш, оғирларини енгил қилиш ўрнига бундайларни писанд ҳам қилишмайди. Бу ҳам етмаганидек, гоҳида кўча-кўйда кетаётган йигитларни кўрсангиз, авзонинг бузилади. Ён-веридан ўтган киз-жувонларга пичинг қилиб бақириб-чақириб, баланд овозларда қулишадди. Тўғри, йигит-қизлар ора-

сида сипо кийнадиган, тарбиялилари ҳам кўп. Ҳамлоқли бўлиб ўсиб улғайишлари учун жавобгардирлар. Зеро, бола ота-онадан намуна олади. «Қўш уясида кўрганини қилади», деб бежиз айтишмайди доноларимиз. Фарзандларнинг илму ҳунар ўрганишлари учун имкон қадар ҳеч нарбани аямаслик лозим. Одоб, илму ҳунар ўргатиш, ота-онанинг уларга қолдирган меросидир. Уларнинг зуқко, билимли бўлиб тарбия кўришларида устозларнинг ҳам ўрни каттадир.

Ортимизнинг баркамол ёшлари билан доимо фахрланиб келганмиз. Улар тараққий топган мамлакатларнинг ёшларидан ҳеч ҳам қолишмайдилар, деб айта оламиз. Жамоат ишларида фаол, талабчан, эркин фикрли, билим олишга интилувчан, қизикувчан, янгиликларга ўч бўлган ёшларимизни кўриб ҳавас қилсанг арзийди. Бирок, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, афсуски, шундай ёшлар ҳам борки, улар кўча-кўйда, жамоат жойларида ўзларини тута билишмайди. Кези келганда, жамоат транспортда қария, ногирон ёки ёш болали аёлларга ўки бериш, оғирларини енгил қилиш ўрнига бундайларни писанд ҳам қилишмайди. Бу ҳам етмаганидек, гоҳида кўча-кўйда кетаётган йигитларни кўрсангиз, авзонинг бузилади. Ён-веридан ўтган киз-жувонларга пичинг қилиб бақириб-чақириб, баланд овозларда қулишадди. Тўғри, йигит-қизлар ора-

— Дунёда инсон учун энг яхши нарса нима-ю, энг ёмон нарса нима? — Дунёда инсон учун энг яхши нарса—гўзал ахлоқли, тарбияли, ғайрат-шижоатли бўлиб, шу гўзал хислатлар билан ном чиқариш. Улимдан ҳам баттар ёмон нарса эса ахлоқсизлик, тартибсизлик ва ялқовлик билан ном чиқаришдир.

— Энг ақлли одам ким? — Донишманд айтиди: — Кўп нарсани билиб, кам сўзлаган, ўз билимига мағрур бўлиб билимдонлик қилмаган одам энг ақлли ҳисобланади.

Дарҳақиқат ёшларни ақлли, одоб-ахлоқли, шарм-ҳаёли, гўзал фазилатлар эгаси қилиб тарбиялаш ота-оналарнинг бурчидир. Юлдуз УСМОН

ТАФАККУР ГУЛШАНИ

Афлотун Ҳақим айтади:

— Тилинг, кўлинг билан ҳеч кимга зарар, заҳмат етказма, дилини оғритма. Бадбахт киши қиладиган ишининг оқибати нима бўлишини ўйламайди. Бирор масала ҳақида сўзламоқчи бўлсанг, аввало яхшилаб ўйлаб, сўнгра сўзла. Донишмандларнинг ҳикматли сўзларини ўзингга қўланма қилиб ол, нафсинг орзу-ҳавасига ҳадеб берилма. Одоб-ахлоқ йўлидан айрилма.

Мавлоно Ҳусайн воиз Кошифий айтиди:

— Жидду жадд — серҳаракатлик, ғайрат ва матонат билан ишга киришмоқликдир. Бу сифат энг гўзал сифатлардан бўлиб ҳимматга тобебид. Баланд ҳимматли одам жидду жадд қилишда машаққат тортишдан кўрқмасин, чунки эҳтимолдан зиёда бўлмайди. Агар жидду жадд соясида тилаган орзусига етса, жуда яхши, агар етолмаса, оқиллар қошида узри очик ва равшандир, унинг улуг мақсад талабида ҳиммати баланд эканини халқ тақдир этади.

Абу Али ибн Сино айтиди: — Тўғри йўлдан ажралмаслик, инсофли, адолатли бўлиш нафсинг ҳар орзусини бажо келтирмаслик, олим, фозилар билан суҳбатдош бўлишлик, катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат ва марҳамат этиш, салимий дўстларнинг маслаҳатлари билан иш тутиш, муҳтожларга ёрдам бериш эъзуликнинг маъданидир.

Муомалада бўлмоғи тўғридир. Ҳусни хулқ кишиларни жилвалантириб турадиган кийим кабидир. Хулқи, одоби гўзал кишининг дўстлари кўп, меҳри атрофига қуёш янглиг нур сочиб ҳаммани ўзига жалб қила олади. Уларнинг озуқаси хушмуомаласи, қуроли ширин, илтифотли сўзидир.

Акмал ИКРОМОВ



Тулки улар истиқболга чиқиб, салом берди.

Ажабо, — дебди тулки, — қадимий адоват, янги садоқат билан алмашинибди, аммо бу иттифоқнинг сабаби нима эканлигини ва бу яраш сабабчиси кимлигини билсам бўладими?

— Иттифоқнинг сабаби чўпоннинг душманлиги, — деб жавоб қилди ит, — чўпон билан бўрининг адовати маълум, тушунтиришининг ҳожати йўқ. Мен билан унинг адовати сабаби қуйдагича. Кеча менга дўстлик муяссар бўлган мана шу бўри га-лага ҳужум қилиб, бир кўзичоқни олиб қочди. Мен одамим бўйича кўзини кутқариб қолдиш учун бунинг кетидан югурдим, аммо етолмадим. Қайтиб келганимда чўпон менга таёқ кўтарди ва сабабсиз озор берди. Мен ҳам у билан дўстлик алоқаларини уздим, унинг эски душман билан иттифоқ туз-

дир, ҳаракатлари келишмаган, йўлида турли муаммолар чиқарувчи киши тўпори одам бўлади. Лекин ҳар ишда бўлгани каби мулоимликни-да чегара мезони бор. Бўшанг, журъатсиз киши мулоим мўмин киши дейилмайди. Шунингдек, тезкор, шижоатли киши ҳам тўпори одам эмас. Кишилар бор, кўполлик қилмайин, деб тўғри йўлни эгрисига олишадди, ноқўл ишларни кўрганда бе-

дир, ҳаракатлари келишмаган, йўлида турли муаммолар чиқарувчи киши тўпори одам бўлади. Лекин ҳар ишда бўлгани каби мулоимликни-да чегара мезони бор. Бўшанг, журъатсиз киши мулоим мўмин киши дейилмайди. Шунингдек, тезкор, шижоатли киши ҳам тўпори одам эмас. Кишилар бор, кўполлик қилмайин, деб тўғри йўлни эгрисига олишадди, ноқўл ишларни кўрганда бе-

парво ўтади, бу яхши эмас. Кишилар бор ҳақни қарор топтираман деб кўполликка йўл қўяди, кишиларни ўзидан бездарида, бу ҳам хато ишдир. Демакки, киши ўрнида ғайратли, шижоатли бўлмоғи, ўрнида мулоимлик билан вазиятни юмшатиб, ширин, гўзал

Нашриёт матбаа-ижодий уйида ўтган йиллар мобайнида мумтоз ва замонавий адабиётимиз ҳамда маънавий меросимизга оид янги ва нодир рисола ҳамда китоблар нашр қилиниб, онгимиз, миллий мафқурамиз ва гуруримиз шаклланишида катта омили бўлди, десак муволажа бўлмайди.

Дарҳақиқат, нашриётда мустақиллик йилларида ўқувчиларни маънавият ва маърифат сарчашмаларидан баҳраманд этувчи, истиқлолнинг янгилигини руҳини ўзида мужассам этган, қадриятларимиз, аъёнларимизни улғувчи қўллаб асарлар чоп этилди. Ушбу асарлар лотин ва кирилл алифбосида нашрдан чиқди. Жумладан, ўтган йили ақ-



Шарқ дурдоналари

03-03 ҲАММОНДО
Домо бўлур...

● Ҳаё-иффат — йўқолмас хусн.

● Абу Али ибн Сино айтиди: — Инсонда доим турайдиган хусн ва латофат — ҳаё ила иффатдир. Ҳаёсиз юз жонсиз жасад қабиридур.

● Суқрот ҳақим дейди: — Хотинларнинг энг гўзали ҳаё ва иффат пардасига ўралганларидир.

● Ҳаё дилини равшан қилдурган бир нурдирки, инсон ҳар вақт шул маънавий нурнинг зиёсига муҳтождир. Иффатнинг пардаси, виждоннинг ниқоби ҳаёдир.

● Ҳаё пардаси ила ўралмиш инсонларнинг иффат пардаси йиртилмас. Бу чодир шундай муборақдирким, анча-мунча шундай хатоларни беркитиб йўқ қилур.

Байт:

**Дурга садаф бўлмаса
парда-ю либос,
Қатра сувга кўшилиб
кетарди халос.**

● Дўстнинг васли кўрар кўзларга роҳат беради, чунки ошқ машуқка яқин бўлмаса роҳат топмайди ва шод бўлмайди.

● Агар дўстим кўп бўлсин десаг, ҳеч кимга душманлик қилма, ўзингга ортиқ оро берма, мактанма ва ўзингни бировдан ортиқ санам!

● Дўстлар яхшироғи ҳар вақт ҳамдамларни ўз шафқати соясида тутар ва қарам эшигини улар юзига очиб қўяр, тилакларини ва ҳоҳатларини юзга чиқарар.

● Оқил киши донога, олижаноб, ростгўй ва хушхўйга дўст бўлур, хиёнаткор ва фосиқдан қочар.

● Дўст кишини бир йилда ҳам топиш осон эмас, аммо уни бир лаҳзада йўқотиб қўйиш мумкин.

**Икки лаб бир бўлса,
хаттоки нафас,
Улар орасидан осон
ўтолмас.**

**Кўздек бир-бирингга
бўлма тескари,
Лаблардек иттифок
бўлгил аксари.**

Фаробий ҳикматлари

● Инсон яши тарбия кўрмаган ва турмушда тажриба орттирмаган бўлса, у кўп нарсаларни назарга илмайди ва улардан жирканади. Бундай нарсалар унга ноурин кўринади. У билим ва тажрибага эга бўлгандан сўнг фикри ўзгаради, ноурин бўлиб кўринган нарсалар зарурий бўлиб чиқади.

● Оққўзлик билан мақсадга интилгучиларнинг иши ҳамisha ғаразли бўлади, фақат ўзларинигина ўйлайди.

● Инсоннинг хайрли ва гўзал ишлари учун хизмат қилувчи руҳий хислатлари яхши фазилатдир.

● Яхшилик қилиш ҳурмат-эҳтиромли бўлиш, лаззатланиш, саодатли бўлиш йўлида қилинадиган ишларни амалга оширишдаги энг яхши усуллардан биридир.

● Хоҳ шаҳарни бошқаришда бўлсин, хоҳ уй қуришда бўлсин, яъни ҳар бир соҳада мулоҳазали одам учун энг муҳими тўғри, фозилона фикр юриштидир. Токи бирон қаршиликка учраганда уни бартаф этувчи тўғри йўл топа олсин.

Ўзбекистон ва жаҳон

ЎЗБЕК ДИПЛОМАТИЯСИ:
ЯНГИ ФИКР, ЯНГИЧА
ЁНДОШУВ САРИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ривожланиш яқунларига баҳо бериш ҳамда 2004 йилги устувор вазифаларни белгилаб олиш бўйича шу йил 7 февраль кунини бўлиб ўтган йилги республика вазирлик ва муассасалари, шу жумладан Ташқи ишлар вазирлиги олдига қатор вазифаларни қўйди.

Шу муносабат билан Ташқи ишлар вазирлигида бўлиб ўтган мажлисда давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги маърузасининг асосий хулосаларига эътибор қаратилди.

“Президентимиз нутқида нафақат йил яқунлари, балки жамиятимиз тараққиётининг умумий қонуниятлари, сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг туб моҳиятлари яна бир қарра очиб берилди. Шу билан биргаликда, маърузада ўтиш даврини бошидан кечираётган барча жамиятлар учун умумий бўлган муаммоларнинг чуқур назарий таҳлили берилди”, деди жумладан Ташқи ишлар вазирлиги С.Сафоев.

Ички ҳаётимизда юз бераётган ўзгаришлар, республика раҳбарияти томонидан қўйилаётган талаблар, қолаверса дунё геосиёсатидаги янги тенденциялар Ташқи ишлар вазирлигини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришни тақозо этади. Нотиқ айтиш хусусида тўхталар экан, бу энг аввало, иш услубини замон талаблари асосида шакллантириш ва тақомиллаштириш, интеллектуал салоҳиятни юксалтириш ва шу каби қатор омилларни ўз ичига қамраб олишини таъкидлади.

Мажлисда вазирликнинг 2003 йилги фаолияти сарҳисоб этилди, эришилган муваффақиятлар ва йўл қўйилган камчиликлар борасида атрофлича фикр алмашилди. Шунингдек, унда Ташқи ишлар вазирлиги олдига турган устувор вазифалар, амалга оширилиши зарур бўлган долзарб масалалар белгилаб олинди.

Деҳли шаҳрида 31-Жаҳон маркетинг конгресси бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Ҳиндистон ҳукумати ва ташқи ишлар вазирлиги кўмағида Маркетинг ва менежмент институти томонидан ташкил этилди. “МДХ-Шарқий Европа ва Ҳиндистон: биргаликдаги саяё-ҳаракатлар ва иқтисодий ҳамкорлик” шиори остида ўтган мазкур халқаро конгрессда дунёнинг 30 мамлакатидан 500 нафарга яқин делегат иштирок этди.

“ЮКСАК ДИПЛОМАТ
МУКОФОТИ” – ЎЗБЕКISTON
ЭЛЧИСИГА

Тадбир чоғида Маркетинг ва менежмент институти қатор йўналишлар бўйича таъсис этган бир неча фахрий мукофотлар ўз эгаларига топширилди. Улар орасида Ўзбекистон Республикасининг Ҳиндистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Иброҳим Мавлонов ўтган 2003 йил яқунлари бўйича мазкур институтнинг “Юксак дипломат мукофоти”га сазовор бўлгани маълум қилинди. Ҳиндистон меҳнат вазири Саҳиб Сингх Верма мамлакатимиз дипломатия ваколатхонаси раҳбарига ушбу мукофотни тантанали равишда топширди.

Маркетинг ва менежмент институтининг ижрочи президенти, профессор Жагжит Сингх икки мамлакат ўртасидаги ўзаро алоқалар ривожига қўшиб келаётган салмоқли ҳиссаси ва Ўзбекистонда ўтказилаётган демократик, иқтисодий ислохотлар ҳақидаги ахборотларнинг Ҳиндистон иқтисодий институтлари орасида кенг тарқатилиши ҳамда ўз мамлакатаи тақдимотларида маҳаллий ишбилармонлар билан яқин алоқалари учун Ўзбекистон элчиси ушбу мукофотга лойиқ топилганини билдирди.

Конгресс доирасида ишчи гуруҳлар қатнашчилари учун мамлакатимизнинг навбатдаги тақдимот маросими ўтказилди. “Ўзбекистонда бизнес имкониятлари” мавзусига бағишланган мазкур тадбирда Ўзбекистон элчиси мамлакатимиз-

да мавжуд бўлган кенг имкониятлар, юртимизнинг иқтисодий, ишлаб чиқариш салоҳиятлари, халқаро ҳамкорлик кўлами ҳақида сўзлаб берди. Бунда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва соҳани либераллаштириш жараёнлари, чет эллик сармоядорларга яратилган имтиёз, қулайлик ва қофлатларга алоҳида ургу берилди. Элчи Ўзбекистонда транспорт-йўл коммуникациялари барпо этилишига эътибор кучайтганлигини қайд этар экан, Термиздан Афғонистон орқали Эроннинг Чорбаҳор портига олиб борадиган йўл лойиҳаси амалга ошса Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни янада ривожлантириш борасида янги имкониятлар юзга келишига ишонч билдирди.

Жаҳон маркетинг конгрессининг мазкур 31-анжуманида “Таълим-тарбия”, “Энергетика”, “Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқатни қайта ишлаш”, “Телекоммуникациялар”, “Кимматбаҳо тошлар ва заргарлик”, “Банк тизими”, “Сайёҳлик”, “МДХ ва Шарқий Европа мамлакатлари билан савдо”, “МДХ ва Шарқий Европа мамлакатларида бизнес имкониятлари” каби долзарб мавзуларда ҳам ўзаро фикр алмашилди. Анжуман ўзаро мулоқотлар, савол-жавоб ва баҳо-мунозараларга бой бўлди.

«Жаҳон» ахборот агентлиги материаллари асосида тайёрланди.

САЛОМАТЛИК ЛОЙИҲАЛАРИ

Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонасида “Саломатлик- II” ва Марказий Осиё минтақасида ОИТСга қарши кураш лойиҳаларининг муҳокамасига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

— “Саломатлик-II” лойиҳаси республикада амалга оширилаётган “Саломатлик-I” лойиҳасининг мантиқий давомидир, — деди Ўзбекистон бўйича саломатлик лойиҳаси мутахассиси Жек Лангер Бруннер. — Ўзбекистондаги аҳолининг етмиш фоизи қишлоқларда яшайди. “Саломатлик-I” лойиҳаси ўз навбатида қишлоқ аҳолисига тезкор тиббий ёрдам кўрсатиш ислоҳотига қаратилган эди. Ижтимоий сўрвномалар шуни кўрсатдики, кейинги пайтларда Ўзбекистонда аҳоли саломатлигига катта эътибор қаратилди. Мазкур янги лойиҳа тўрт компонентни, яъни тезкор тиббиёт бўлинмалар тараққиёти, тиббиёт соҳаси тизимини молиялаштириш ва бошқаришни барқарорлаштириш, жамоат тиббиёт соҳасини яхшилаш ва

бошқариш, лойиҳа бўйича мониторинг ўтказиш ва уни баҳолашни ўз ичига олади. Мазкур лойиҳани мамлакат миқёсида амалга ошириш учун Жаҳон банки томонидан молиялаштириладиган қишлоқ миллион АҚШ доллари етарли эмас. Шунинг учун, ҳукуматингиз, Осиё Тараққиёт банки ва Жаҳон Банклари ҳамкорликда “Саломатлик-II” лойиҳасини молиялаштириладилар. ОТБ ҳам ўз навбатида қишлоқ миллион АҚШ доллари миқдорига қарз тақлиф қилмоқда. Осиё тараққиёт банки тиббиёт тизимининг бўлинмаларидан бири бўлмиш она ва бола саломатлигини маблағлаштиради.

Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакили Мартин Райзернинг таъкидлашича, ОИТСга қарши кураш минтақавий лойиҳаси

Халқаро Тараққиёт Ассоциацияси (ХТА) ва Буюк Британия ҳукуматининг халқаро тараққиёт вазирлиги (DFID)нинг гранти асосида молиялаштирилади. Мазкур лойиҳа ОИТСнинг мамлакат иқтисоди ва аҳолисига салбий таъсир қилишини камайтиришга қаратилган. Лойиҳа 2006 йилда амалга оширилади бошлайди. Мазкур минтақавий лойиҳа Марказий Осиё давлатларига катта ёрдам кўрсатади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Жаҳон Банкига 1992 йилдан бери аъзо. Жаҳон Банкнинг мамлакатимиздаги миссиясининг мақсади Ўзбекистон давлати томонидан амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар орқали халқимиз фаровонлигини яхшилаш, ижтимоий сектор ва инфратузилмаларни мувофиқлаштириш ҳамда қўллаб-қувватлашда ўз билим ва тажрибаларини алмашишдан иборат.

**Д. ТОИРОВА,
“Туркистон-пресс”**

Тадбирлар

МУРУВВАТ — ИНСОННИНГ КЎРКИ

Ушбу йил инсонларга меҳр-оқибат, хайр-эҳсон кўрсатиш билан бошланганлиги қувонарли, албатта. Бундай хайрли тадбирларнинг асл мақсади ҳам инсонларга ёрдам бериш, яхшилик қилиш, меҳр-саҳоват кўрсатишдир.


Яқинда 103-Ақли заифлар мактабида меҳр ва мурувват тадбири ўтказилди. Тадбир Бектемир тумани ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ЁИХ туман бўлими ҳамда туман вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси ҳамкорлигида ташкил этилди. Ушбу мактаб ўқувчилари учун ўтказилган хайр-эҳсон кечасида туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Қ.Саидалиева болаларнинг дилларига қувонч бағишлаб, уларга мурувват кўрсатиш олий ҳиммат эканлигини таъкидлади. Дарҳақиқат, ногирон болажонлар ўзларини бошқалардан кам сезмасликлари

учун ёрдам бериш, дилларига қувонч бағишлаш албатта энг олий фазилатдир. Ушбу тадбирда сўзга чиққанлар ҳам мазкур масалаларга алоҳида тўхталашди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур тадбирда мактаб ўқувчилари учун жами 168992 сўмлик ўқув қўлланмалари совға қилиниб, болажонлар қалбига оз бўлса-да қувонч улашилди. Шунингдек, туманда Меҳр ва мурувват йилига бағишланган бу каби тадбирларни тез-тез ўтказиб туриш ташкилотчилик томонидан режалаштирилди.

Юлдуз УСМОН

ДЎСТИМИЗ ХОТИРАСИ



Тошкент шаҳар Касаба уюшмалари Кенгаши ва тармоқ касаба уюшмаларининг шаҳар кўмиталари, Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятининг кўп минг кишилиқ фаоллари, яқинлари ва дўстлари Юрий Асралович Асепковнинг вафоти муносабати билан чуқур қайғуда. 2004 йил 17 февралда, 62 ёшида, Тошкент шаҳар Касаба уюшмалари Кенгаши раисининг ўринбосари Юрий Асепков ҳаётдан кўз юмди.

Меҳнатсевар, ҳаракатчан, очик кўнгилли инсон Ю.А.Асепков катта ҳаёт йўлида ҳамкасблари, дўстларида ўзи ҳақида яхши хотира қолдирди.

У ўз меҳнат фаолиятини Тошкентдаги радио деталлари заводи (ҳозирги «Фотон») очик акциядорлик жамиятида бошлади. Мақсад сари ингилиши, катта иш қобилиятига эга эканлиги сабабли у тез орада корхона раҳбари ўринбосари даражасига етди. Кейинги йилларда эса давлат бошқаруви идораларида — Тошкент шаҳри, пойтахт вилояти ва Чирчиқ шаҳрида раҳбарлик вазифаларида фаолият кўрсатди. 1992-1993 йилларда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, биринчи ўринбосари вазифасида ишлади, ўз фаолияти давомида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти саноати ривожига муносиб ҳисса қўшди. Ижтимоий, иқтисодий масалалар ечимига муҳим эътибор қаратди.

Унинг самарали меҳнати қатор ҳукумат мукофотлари билан муносиб тақдирланган.

Ю.А.Асепков билан видолашар эканмиз, дилларимизда чин инсон, дўстимиз ҳақидаги ёрқин хотира умрбод сақланиб қолади.

Бир гуруҳ ўртоқлари

Тошкент шаҳар Касаба уюшмалари Кенгаши шаҳар Касаба уюшмалари Кенгаши раисининг ўринбосари

Юрий Асралович
АСЕПКОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг қариндошлари ва яқинларига чуқур таъзия ихсоз этади.

Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани халқ таълими бўлимига қарашли қўшимча таълим мажмуаси жамоаси мажмуа раҳбари Гулраъно Абдуразақовага умр йўлдоши

Ҳожиакбар
АБДУРАЗЗОКОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихсоз қилади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, дунёда қандли диабет хасталигига чалинаётганлар йил сайин кўпайиб бормоқда. Бу дард билан оғриётганлар орасида болалар ва ўсмирлар ҳам борлиги айниқса ачинарли. Олимлар муаммони ечиш мақсадида мазкур касалликнинг келиб чиқиш сабаблари, унинг олдини олиш ва даволашнинг самарали усуллари устида тинимсиз изланишлар олиб бормоқдалар.

ХАЙРИЯ ЁРДАМИ

Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Эндокринология илмий-тадқиқот институтида бу борада эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда. Институт шифохонасида ҳар йили ана шундай хасталикка чалинган кўплаб беморлар замонавий тиббий усуллар билан даволанаётди.

Мазкур илмий муассасада давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар вакиллари,

олимлар, мутахассислар иштирокида бўлиб ўтган анжуманда шулар ҳақида гап борди. Институтга «Экосан» халқаро жамғармаси томонидан бир миллион сўмликдан кўпроқ тиббиёт жиҳозлари, дезинфекциялаш воситалари ва бошқа анжомлар топширилди.

Б.ХИДИРОВА
Ўза

Бундан уч йил аввал Ўзбек-Европа таълим лойиҳаси ишлаб чиқилган эди. Ўзбекистон тадбиркорлари учун ташкил этилган мазкур нуфузли лойиҳа ниҳоясига етди.

Маълум

ЛОЙИҲА НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Уч йиллик ўқув дастури бўйича уюштирилган машғулотлар амалиёти билан кўшиб олиб борилди. Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятида фаолият кўрсатаётган бизнесмен ва ишбилармонлар учун ҳам лойиҳа жуда фойдали бўлди.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети кафедралари курс тингловчиларига ўқув қўлланмаси сифатида қатор адабиётларни тақдим этдилар. Ишлаб чиқарилган ўқув-услубий тавсиялар ҳам уларга манзур бўлди.

Аҳмад АББОСОВ

Қилмиш-қидирмиш

БИЛИБ БОСИЛГАН ТИКАН

Фақат ўзини ўйлаган кишини худбин деб аташади. Ўз меҳнати билан нон топмай, бировнинг моллини ўғирлаб шунинг эвазига кун кўрувчи кишиларни қандай аташаркин?!

Ёмғирли оқшомларнинг бирида ҳеч қасрда ишламайдиган, судланган, ҳамза тумани Қурувчилар кўчасида яшовчи А.Анвар Қ. Шарқ кўчаси, 16-уйда яшовчи Т. Луизанинг уйига ойнасидаги панжарани бузиб кириб, унга тегишли бўлган баҳоси 250 000 сўмлик «LG» телевизорини, умумий баҳоси 100 000 сўмлик уй-рўзгор буюмларини ўғирлаб кетган. Бир кунгагина онасини кўргани кетган Т. Луиза уйига кирди-ю, хангу манг бўлиб қолди. Шуни айтишлар-да: «Эгаси минг пойласин, ўғри бир пойласин», деб. Хайрият, Луизанинг қўшнилари инсофли экан, панжара бузилганлигини билиб, аллақачон милиция ходимларига хабар бериб қўйишган экан. Ички ишлар ходимлари жиноятчининг изига тушишди.

«Ёз ёмғири лой бўлмас, ўғри асло бой бўлмас», деган эканлар машойихлар А. Анварга илгари судланганлиги сабоқ бўлмади шекилли, яна шу йўлга кирди. Бунинг учун эса уни албатта жазо кутмоқда.

ЁМОННИНГ КУЧИ «ЯПАЛОҚҚА»...

Бир неча ойдан бери Камола-нинг турмуш ўртоғи Азизилло нуқул ичиб келади. Бунга сабаб қилиб эса фарзандсизликни пеш қилгани қилган. Бундай гаплар Камола-нинг ич-этини еса ҳам,

ичига ютади.

Ўзини оз бўлсада ҳам чалғитиш илинжида бўлган Камола 9-синфда ўқийдиган жиянини қўярда-қўймай уйига олиб келди. Ўша кунни Азизилло уйга ҳадеганда келавермади. Кун ўз ўрнини тунга бўшатиб берди. Ҳамма уйқуда. Фақатгина Камола ўз жуфти-ҳалоллини кутиб ўтирарди. Хонадаги сукунатни жиян бўлмиш Низомнинг пишиллаши соат милларининг чиқиллаши бузарди. Бир маҳал эшикни кимдир зарб билан тепди. Камола «ким экан?» дея ўйлади ҳамки, ўша «кимдир» эшикни қаттиқроқ тепиб сўкина бошлади. Шунда аёл ўз турмуш ўртоғини таниди ва чаққонлик билан ўрнидан туриб эшикни очди. Эшик олдида Азизилло маст, жуда важоҳат билан турарди. Унинг бу аҳволини кўрган Камола безовталана бошлади, чунки эрининг бундай келиши албатта жанжал бошланишидан дарак эди. Азизилло ҳар галги одатини қанда қилмади, аксинча ундан ҳам баттарроқ тутди ўзини. У шундай жанжал кўтарди-ки, ҳатто кўшнилар ҳам югуриб чиқишди. Бурчакда Низом уйқутираб, нималар бўлаётганлигини англолмай турарди. Азизиллонинг кўзлари қонга тўлиб, аламини кимдан олишни билмай Низомга отилди. У маст бўлганлигиданми, хуллас ёшига болани аямай ура бошлади. Қўшнилар уларни ажратмоқчи бўлиб ҳаркат қилишар, бир томонда эса Камола-нинг дод-войи, Низомнинг оғриққа чидай олмай йиғи аралаш инграши ҳамма ёқни-тутиб кетди. Шунда маҳалланинг милиция таянч пунктидаги посбонлари оёққа туришди ва тез орада Азизиллонни олиб кетишди. Низом эса оғир тан жароҳати ол-

ганлиги туфайли шифохонага ётқизилди.

ҲАММА ГАП «РАШК»ДА...

Акмал Икромов туманида яшовчи Наташа бугун уйига ҳар доимгидан кечроқ келди. У янги ишга ўтганидан бери аҳвол шу. Роман эса ишдан вақтли қайтиб келиб, хотинини пойлагани-пойлаган.

Ниҳоят унинг сабр-қосаси тўлди. Наташа эридан койиш эшитишини билиб, қўрқа-писа остона ҳатлаб уйга кирди. Кутилмаганда Роман хотинининг олдида чиқди-да, бир тарсаки туширди. Турмуш ўртоғидан бундай «илтифот»ни кутмаган Наташа ўзини ўнглай олмади. Бир зарба кетидан иккинчиси, ундан кейин учинчиси, хуллас зарбалар бир-бирига уланиб кетаверди. Шу топда Романнинг кўзига севиб уйланган хотинининг кўз ёшлари эмас, балки унинг бир бегона эркак билан хиёнат қилаётгани кўринарди. Эрининг калтакларидан Наташа жонҳолатда юриб, телефон гўшагига етди. Унинг назарида шундай қилмаса, Роман уриб ўлдириб қўярди. Шундай бўлиши ҳам мумкин, чунки эр аффект (яъни, кучли ҳаяжонланмиш) ҳолатида эди. Милиция ходимлари билан бирга тез ёрдам машинаси ҳам келди.

Бейб Парвардигор, ҳаммамиз ҳам хато қиламиз. Бу билан Романи оқламоқчи эмасмиз. Лекин шунча огоҳлантиришлардан сўнг ҳам уйга кеч қолиш қандай оқибатларга олиб келишини хотин ҳам ўйлаши лозим эди. Баъзида бизга қилинган бундай ёмон муносабатга айнан ўзимиз шарт-шароит яратиб бераётганимиз...

Феруза УМРЗОҚОВА,
Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази жамоатчи муҳбири.

Санъат

МУЗЕЙДА МЕҲМОНХОНА

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган Республика амалий санъат музейи кўпчиликка яхши таниш. Жуда кўплаб экспонатларга эга бўлган бу маданият даргоҳи экспозицияларидан ўзбек миллий амалий санъатига оид нодир буюмлар ўрин олган.

Музей қайта туб таъмирдан чиққан, бу ерга келувчи томошабинлар учун қатор янгиликлар юзга келди. Бу даргоҳ ўзининг шинам меҳмонхонасига ҳам эга бўлди.

Меҳмонхона кўрғазма залларини эслатади. Фарғоналик усталар қўли билан бунёд этилган меҳмонхонада турли осори-атиқалар билан ҳам яқиндан танишиш мумкин. Бино тоқчаларига миллий уй-рўзгор буюмлари намуналари тахлаб қўйилган. Бундай дурдоналар орасида хоразмлик қўли гул усталар ижодидан намуналар ҳам бор.

Мармар ховузма атрофига ўрнатилган ўриндилар томошабинларнинг хордиқ чиқарадиган жойига айланиб қолди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Спорт

**ТАЙЁРГАРЛИК
БОСКИЧНИ
ЎТАДИ**

Жорий йилнинг 20-25 октябрида пойтахтимиздаги «Юнусобод» спорт мажмуида болалар ва ўсмирлар ўртасида самбо бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтади.

Ана шу нуфузли мусобақага пухта тайёргарлик қўриш эса ёш спортчилар олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Куни кеча шахримиздаги МХСК спорт мажмуида 1988-1989 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида мамлакат биринчилиги мусобақалари уюштирилди. Унда Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятлардан ташриф буюрган ёш самбочилар ғолиблик учун мурасисиз кураш олиб боришди. Турнир якунида ўз вазн тоифаларида Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритган самбочиларга ҳамда совриндорларга совринлар, эсдалик совғалари топширилди. Шуниси қувонарлики, мусобақаларда биринчи ўринни қўлга киритган ёш спортчиларимиз Москва шаҳрида ўтайдиган «Галаба» кубогида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

**ПОЙТАХТЛИКЛАР
— БИРИНЧИ**

Жиззах Олимпия захиралари коллежи спорт мажмуида энгил атлетика бўйича 14-15 ёшли ўсмирлар ўртасида тўртинчи мартаба мамлакат биринчилиги мусобақалари ўтказилди.

Энгил атлетиканинг 20 тури бўйича уюштирилган беллашувларда Тошкент шаҳри ҳамда барча вилоятлардан ташриф буюрган 200 нафарга яқин ёш спортчилар ғолиб бўлиш мақсадида ўзаро кураш олиб боришди. Умумжамоа ҳисобидаги беллашувларда ҳам пойтахтимиз вакилларига тенг келадиган рақиб топилмади. Майдон эгалари — жаззахлик энгил атлетикачиларга эса иккинчи ўрин насиб этди.

(Ўз мухбиримиз)

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 126-урта мактаб томонида 1980 йилда Расулова Дилфуза Собировна номига берилган 424689 сонли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

СОРБИТ

Қандли диабет билан оғриган беморлар учун
Телефонлар:
50-93-22; 50-99-76;
152-40-15; 152-40-14

ШАҲРИМИЗДА КАТТА ФУТБОЛ БАЙРАМИ

БУГУН шахримизда катта футбол байрами — 2006 йилги жаҳон чемпионатига саралаш турнири бутун Осиё мамлакатларидаги каби Тошкентда ҳам бошланади.



Маълумки, Осиё қитъаси мамлакатлари 8 гуруҳга бўлинган ҳолда саралаш мусобақаларини бошлашади. Бугун Эрон-Катар, БАА-Таиланд, Бахрейн-Сурия, Япония-Оман, Жанубий Корея-Ливан, Хитой-Қувайт, Саудия Арабистони-Индонезия терма жамоалари қатори «Пахтакор» марказий стадионида мавсумнинг илк ўйинида Ўзбекистон терма жамоаси Ироқ футболчилари билан куч синашади.

Рақибларимиз тўғрисида шуниси айтишимиз мумкинки, Ироқ мамлакатининг футбол ассоциацияси 1948 йили тузилган. 1950 йилдан ФИФА, 1971 йилдан бугун эса Осиё футбол конфедерацияси аъзоси. Мамлакатда 155 та клуб бўлиб, 4400 нафар чарм тўп

устаси фаолият кўрсатади.

Ироқнинг «Ал-Шурта» ва «Ал-Карх» клублари 1971 ва 1989 йилларда Осиё чемпионлари Кубогининг финалчиси бўлган.

Терма жамоалар борасида ҳам Ироқ ўзига хос муваффақиятларга эришган. 1974 йилдан бугун жаҳон чемпионатларига саралаш мусобақаларида қатнашиб келади. 1986 йилда эса жаҳон чемпионатининг финал босқичида қатнашган. Ироқ термаси 1982 йили Осиё ўйинлари, 1964, 1966 йилларда Араб мамлакатлари Кубоги, 1979, 1986, 1988 йилларда Форс кўрфазининг мамлакатлари турнирининг ғолиби бўлган.

Ўзбекистон ва Ироқ терма жамоалари 2000 йил 1 сентябрда Шанхайдаги турнирда бир марта ўзаро куч синашишган бўлиб, унда 2:0 ҳисобида ироқлик футболчилар ғалаба қозongan.

Кеча «Бунёдкор» ёшлар телеклубида Ироқ ва Ўзбекистон терма жамоалари ўйини олдиндан Ўзбекистон термаси бош мураббийси Равшан Ҳайдаров ва спорт журналистлари иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Р.Ҳайдаров журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарар экан, қуйидагиларни таъкидлаб ўтди.

— Биз учун бир оз ноқулайроқ мuddатда — киш фаслида дастлабки ўйин ўтказилаётган бўлса-да унга бутун куч-маҳорат ва имкониятларимизни ишга солган ҳолда тайёргарлик кўрдик. Чет элдаги клубларда тўп сураётган легионерларимиз билан алоқада бўлдик. Мамлакатимизнинг энг кучли футболчилари ва хорижда тўп сураётган чарм тўп усталаримиз иштирокида 12 февралдан бошлаб ҳар куни икки маҳалдан тўлақонли машғулотларини бошлаб юбордик. Фақат жароҳатланган Андрей Фёдоров ва Февзи Давлетов, шунингдек турли сабабларга кўра Владимир Маминин ва Андрей Пашининлардан ташқари барча кучли ўйинчиларимизни машғу-

лотларга жалб этдик.

Жамоанинг руҳий ва функционал ҳолати яхши. Жисмоний тайёргарлик ҳам ҳали мавсум бошланмаганлигини ҳисобга олганда қониқарли аҳволда.

Рақибларимизнинг техник ва тактик ҳолатлари, ўйин услубларини пухта ўргандик. Жумладан Япония термаси билан ўтказган ўртоқлик учрашувларини таҳлил қилдик.

Тўғри, рақибларимиз кучли, терма жамоамиз таркиби борасида айрим муаммолар мавжуд бўлса-да, лекин биз ғалаба қозониш йўлида бор куч-маҳоратимизни сарфлаймиз...

Биз ҳам ушбу нуфузли турнирда футболчиларимизга омад тилаган ҳолда ишқибозларга шуниси таъкидлашимиз мумкинки, бугун терма жамоамиз таркибида Ўзбекистон, Россия, Украина ва Молдова мамлакатлари клубларида зўр маҳорат билан тўп сураётган А.Поляков, И.Нестеров, Б.Ашурматов, А.Алиқулов, А.Хвостунов, Н.Ширшов, С.Лушан, А.Акопянц, Л.Кошелев, С.Жепаев, М.Қосимов, М.Шацких, А.Гейнрих, В.Шешелов, А.Солиев каби энг кучли ўйинчилар майдонга тушиши мумкин.

Дилшод ИСРОИЛОВ



Самбо

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР БЕЛЛАШДИ

Уч кун давомида МХСК спорт клубида 1988-1989 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида самбо бўйича Ўзбекистон биринчилиги баҳслари бўлиб ўтди.

Турнирда Қорақалпоғистон Республикаси ва Наманган вилояти ёш курашчиларидан ташқари барча вилоятлардан ташриф буюрган 200 га яқин самбочилар иштирок этди. Қизиқарли ва шиддатли баҳслар жами ўнта вазн тоифаси бўйича бўлиб ўтди.

— Ўзбекистон биринчилиги айниқса вилоятларда самбонинг яхши ривожланаётганини кўрсатди, — дейди мусобақанинг бош ҳаками Равшан Аҳмаджонов. — Бу албатта келгусида самбочиларимизнинг халқаро мусобақаларда янада муваффақиятли қатнашишларини таъминлайдиган омилдир.

Шундай қилиб, мурасисиз беллашувлардан сўнг энг энгил — 40 килограммгача вазнда бухоролик Ҳасан Аслонов зафар қўчди. Қолган вазнларда эса Исмат Бобо-



раҳимов, Даврон Жуманиёзов, Равшан Тўракулов, Азиз Файзуллаев, Жўрабек Муродов, Жасур Бобононов, Ҳамдам Қурбонов, Фарҳод Исаев, Аҳмад Шарипов каби ёш самбочилар хурмат шохсупасининг энг юқори поғонасига кўтарилишди.

Барча ғолиб ва совриндорлар дипломлар ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Дамир ИСМАТОВ

СУРАТДА: мусобақадан лавҳа.

Алексей Попов олган сурат.

Тошкент шаҳридаги Республика Олимпия захиралари коллежининг спорт мажмуида ўсмирлар ўртасида ўн саккиз метр масофадан камондан ўқ отиш бўйича мамлакат очик биринчилиги бўлиб ўтди.

**ҒОЛИБЛАР
АНИҚЛАНДИ**

Ўғил болалар ўртасида кечган баҳсларда Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Фағур Йўлдошев биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ўрин Жобир Аҳмедовга насиб этди. Александр Корниев эса учинчи ўринга лойиқ топилди.

Қизлар ўртасидаги баҳсларда Мамура Муҳаммад-жонова биринчи, Дилдора Расулова иккинчи ва Алсу Латипова учинчи ўринни эгаллади.

**Қ.ҚАРШИЕВ,
ЎЗА мухбири**

ГАНДБОЛЧИЛАР МАЙДОНДА

Пойтахтимизда эркаклар ўртасида гандбол бўйича мамлакат чемпионатининг биринчи тур учрашувлари якунланди. Унда ўн иккита жамоа икки гуруҳга бўлиниб ўзаро куч синашди.

Биринчи гуруҳда барча рақибларини маълумиятга учратган Чирчиқнинг «Танкчи» жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи гуруҳдаги энг юқори поғона Тошкентнинг «Ёшлик» жа-

моасига насиб қилди.

Иккинчи тур беллашувлари 1-7 март кунлари Наманганда ташкил этилади.

Гандбол бўйича аёллар ўртасида мамлакат чемпионатининг биринчи тур учрашувлари ҳам бошланди. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси матбуот хизматидан ЎЗА мухбирига хабар беришларича, олтига жамоа - «Алгоритм-1», «Алгоритм-2», Ўзбекистон миллий университети, Бухоро давлат университети, «Сирдарё» ва «Олимпиа» жамоалари гандболчи қизлари ғолиблик учун куч синашади.



**Бош ғ. ҳаррир
Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
ёшлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма таъбоқ об'ект
устули босилади.
5576 нусхада босилди. Қороз бирини А-3

**Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 1-рақам
билан рўйхатга олинган.**

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича гузар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтасига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.